



# БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ҶОСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИШ, ИНФЛЯЦИЯНИ ЖИЛОВЛАШ, ИШ ҲАМЛАРАНИ ЯРАТИШ АСОСИЙ МЕЗОНДИР

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 апрель куни жорий йилнинг биринчи чорагида ҳудуд ва тармоқлардаги иқтисодий ўсиш таҳлили ва йил якунига қадар устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йилнинг аввалида жорий йилнинг биринчи чорагида эришилган макроекономика натижалар кўриб чиқилди. Хусусан, янги ички маҳсулот 8,7 фоизга, sanoat 8 фоизга, хизматлар 16,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги 5,1 фоизга ўсди. Экспорт 5,8 миллиард долларни, хорижий инвестициялар ҳажми 13,7 миллиард долларни ташкил қилди. Инфляция йиллик ҳисобда илк бор 7,1 фоизгача пасайди.

Бунинг ҳисобига январь-март ойларида бюджет даромадлари ўтган йилга нисбатан 35 фоизга кўпайиб, 103 триллион сўмга етди. Маҳаллий бюджетларда қўшимча 2 триллион 200 миллиард сўм маблағ шаклланди. Мухими, шундан 1 триллион 400 миллиард сўми туман ва шаҳарлар ихтиёрида қолдирилди.

Давлатимиз раҳбари иқтисодийётни халқроқ миқёсда янги босқичга олиб чиқиш учун тизимли ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Жумладан, келаси ой 2 миллиард 400 миллион долларлик давлат активларининг 30 фоиз илк бор халқаро фонд бозорларига чиқарилиши қайд этилди. Бу Миллий инвестиция жамғармаси ташкил этилиб, 13 та стратегик корхона бошқаруви нуфузли "Franklin Templeton" компаниясига берилгани билан боғлиқ.

Ўтган ҳафта Халқаро валюта жамғармаси эълон қилган ҳисоботда юқори иқтисодий фаоллик орқали Ўзбекистон кучли ва барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолаётгани қайд этилган таъкидланди. Шунингдек, жорий йил мамлакатимиз нуфузли "Иқтисодий эркинлик индекси"да 14 погона юқорилаб, илк бор "иқтисодий эркинлик" давлатлар қаторидан жой олди.

Шу билан бирга, Президентимиз биринчи чорақдаги натижаларга маҳлиё бўлиб, хотиржамликка берилиш мутлақо нотўғри эканини таъкидлади. Глобал зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ва етакчилик учун кураш кучийиб бораётган ҳозирги шароитда дунё иқтисодиёти аввалгидек "сокин" бўлмағлиги, бундай вазиятда барча раҳбарлар ўз иш услуби, ёндашуви ва дунёқаролини тубдан ўзгартириши зарурлиги қайд этилди.

Йилнинг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалалари алоҳида таҳлил қилинди. Жорий йил банклар орқали ушбу йўналишга 140 триллион сўм йўналтирилмоқда. Кичик бизнесга берилган ҳар 1 миллиард сўм кредит ҳисобига Ширин

шаҳрида 20 та, Учқудуқда 17 та, Хонобод ва Сўхда 14 тадан, Томди туманида 13 та доимий иш ўрни яратилган.

Бироқ Учқўприк, Пискент, Бўстонлик, Кармана, Қўргонтепа туманларида 1 миллиард сўмлик кредитга ўртача 3 та иш ўрни тўғри келмоқда.

Шу боис, кредит ресурсларини тақсимлашда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Соҳа масъулларига туман банкларини сунъий интеллект билан ишлашга ўқитишни бошлаш, банкларда "Сунъий интеллект маслаҳатчиси" платформасини ишга тушириш топширилди. Бу платформа тадбиркорларга кредит олиш учун лойиҳанинг параметрлари, рисклари ва бозордаги талабни таҳлил қилиб, тайёр ечимлар бериши кераклиги таъкидланди.

Тадбиркорлар билан ишлашдаги камчиликлар ҳам кескин танқид қилинди. Айрим раҳбарлар тадбиркор муаммосини ҳал қилиш ўрнига масъулиятдан қочаётгани, масала республика даражасига чиққач, ўзини оқлаш билан овра бўлаётгани кўрсатиб ўтилди.

Масалан, Нурафшон шаҳрида бюрократик тўсиқлар сабабли икки йилдан бери қурилишни бошлаб олмаётган тадбиркорга ёрдам бериш ўрнига бу маълумот Президент даражасига қандай етиб борганини қидириш билан овра бўлибгани танқид қилинди. Шунингдек, Ғузур, Нарпай, Урганч, Янгийўл, Чиноз туманларида тадбиркорлик инфратузилмаси учун ажратилган 262 миллиард сўм маблағ бўла туриб, лойиҳалар бошланмагани қайд этилди. Тегинли вилоят ҳокимларига бундай раҳбарларнинг лавозимига лойиҳани қўриб чиқиш топширилди.

Йилнинг инфляцияни жиловлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари иқтисодий ўсгани билан агар инфляция ҳам ошса, аҳоли ва тадбиркорлар ҳаётида ижобий ўзгариш сезилмаслигини таъкидлади.

Йил бошидан дунёда нефть нархи 40 фоизга ошди. Зиддиятлар оқибатида логистика коридорлари ўзгариб, маҳаллий маҳсулотлар экспорти ва асосий истеъмол товарлари импортдаги ташвиш харажатлари 25-30 фоизга кўпаймоқда. Бу ички нарх-навога қўшимча босим юзага келтирмоқда.

Шу билан бирга, ташқи босимларни баҳона қилиб, инфляция бўйича ишларни ўз ҳолига ташлаб қўймастик кераклиги

таъкидланди. Истеъмол саватидаги маҳсулот ва хизматларнинг 70 фоизи маҳаллий экани қайд этилиб, мутасаддилар ва ҳокимларга жорий йилда инфляцияни 6,5 фоиз даражасида сақлаб қолиш учун маҳаллий маҳсулотлар таклифини кўпайтириш ва нархларни арзонлаштириш вазифаси қўйилди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги масалалари ҳам алоҳида кўриб чиқилди. Логистикадаги зулматлар оқибатида биринчи чорақда қорамол импорти икки қарра камайган. Бунга тезкор ечим сифатида самолётда ташиллаётган ҳар бир насли қорамол учун 4 миллион сўмгача, гўшт импортда эса транспорт харажатининг ярмини қоплаш йўлга қўйилди.

Иккинчи чорақда 45 минг тонна, йил якунигача жами 130 минг тонна гўшт импортини таъминлаш зарурлиги қайд этилди. Мутасаддиларга қайси йўналишда тўсиқ бўлса ёки юк тўхтаб қолса, тадбиркорлар мурожаат қилишини кутмасдан, онлайн мониторинг орқали тезкор ечим бериш топширилди.

Ҳудудларда 478 минг гектарда озуқа экинлари еклишни режалаштирилган. Лекин Наманганда озуқа ерларининг 74 фоизига ҳалигача экин еклимагани, қорва-чиликда имконияти юқори бўлган Зарбдор, Қўзилтепа ва Поп туманларида силос экин бошланмагани, Амударё, Ғиждуван, Хонқа ва Бағдодда ҳам ишлар қониқарсиз экани танқид қилинди.

Яна 100 минг гектар экин ерини янги тизим асосида аукционга чиқариш белгиланган. Мазкур ерларни тезкор аукционга чиқариб, экин экиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Саноат плантациялари ташкил этилган тадбиркорларга имтиёз ва молиявий ресурслар берилаётгани қайд этилиб, вилоят ҳокимларига бу йил камиди 5 тадан йирик саноатлашган мева-сабзавот плантациясини намунали ташкил этиш топширилди.

Йилнинг саноат ва экспорт масалалари ҳам танқидий таҳлил қилинди. Қамаш, Қарши, Миришкор, Арнасой, Шароф Рашидов, Янгибод, Навбахор, Косонсой, Қумқўрган, Фурқат, Шовот, Шайхонтоҳур ва Сергели туманлари саноат прогнозига чиқа олмагани қайд этилди. Ушбу 13 та туман ҳокимига режага қанча етмаганига қараб интизомий чора қўриш топширилди.

Ички бозорда мис таклифи кўпайтирилган бўлса-да, қайта ишлаш ойига

6 минг тоннадан ошмаётгани кўрсатиб ўтилди. Оқибатда биринчи чорақда электротехника соҳасида саноат ўсиши прогноздаги 11,2 фоиз ўрнига 7,8 фоизни ташкил қилди, экспорт прогнози эса 57 фоизга бажарилди.

Мутасаддиларга ишлаб чиқариши ва экспорти камайган ҳар бир корхонага бориб, экспортни молиялаштириш ҳамда инвестиция лойиҳалари бўйича муаммоларни жойида ҳал қилиш топширилди. Иккинчи чорақ якуни билан соҳада ишлаб чиқаришни 25 триллион сўмга, экспортни 1 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Корхоналарда ресурс самардорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Кўп давлатлар саноат ва сервисда "Кайзен", "Lean production" каби прогрессив усуллари қўллаётгани, мамлакатимизда ҳам 50 га яқин тадбиркор бундай ёндашувларни жорий этишни бошлагани айтилди. Бироқ бу етарли эмаслиги қайд этилиб, Иқтисодий ва молия вазирлигига бу йил 100 та корхонада самардорликни ошириш бўйича илгор дастурларни жорий этиш, бунинг учун 30 миллион доллар грант жалб қилиш топширилди.

Экспортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Сўнгги олти ойда 908 та тадбиркор 3 миллиард 600 миллион долларлик шартнома тузган бўлса-да, ҳамкорлардаги вазият ўзгариши сабабли экспортни бошлаб олмаган. Айрим ҳокимлар эса уларга ёрдам бериш ўрнига вазиятни ўз ҳолига ташлаб қўйган.

Оқибатда биринчи чорақда экспорт Норин, Касби, Шеробод, Ёзёнов ва Деновда 2 қаррадан зиёд камайган. Шаҳрисабз, Учқудуқ, Паркент, Тошкент туманлари, Жиззах, Навоий, Наманган, Ангрэн, Бекобод ва Нурафшон шаҳарларида эса экспорт режаси 70 фоизга ҳам етмаган. Ушбу ҳудуд раҳбарлари биринчи ярим йилликда ўсишни таъминламаса, қатъий ҳулоса қилиниши маълум қилинди.

Саноат зоналаридан самарали фойдаланиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бюджет ҳисобидан йўл, электр ва сув инфратузилмаси олиб борилган 226 та саноат зонасидаги 213 гектар майдонда ҳалигача лойиҳа бошланмагани танқид қилинди. Шу билан бирга, 27 та саноат зонасида лойиҳалар жойлаштирилган бўлса-да, инфратузилма етиб бормаган.

Вилоят ҳокимларининг инвестиция бўйича ўринбосарлари зиммасига инфратузилмаси бор саноат зоналаридаги бўш ерларга жойлаштириладиган лойиҳалар портфелини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Давлат идораларини ихчамлаштириш ва бизнес учун янги майдонлар очиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Туманлардаги марказий кўчалар ва аҳоли гавжум жойларнинг катта қисмида давлат идоралари жойлашгани қайд этилди. "Кўкдала тажрибаси" асосида 19 та туман ва шаҳарда давлат идораларини ягона маъмурий марказга кўчириш бошланмоқда.

Мазкур ишларни барча туманларда ташкил этиш орқали давлат идораларида йилга 1 миллиард 800 миллион киловатт-соат электр ва 340 миллион куб метр газ тежалиши, бизнес учун 5 миллион квадрат метр жой очилиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди. Шу мақсадда беш йиллик дастур тайёрлаш, жорий йил 26 та туманда давлат идораларини бир жойга кўчиришни бошлаш топширилди. Янги маъмурий марказлар қуришда ҳар бир ҳокимга тўғри келадиган майдон ўртача 15 квадрат метрдан ошмаслиги белгиланди.

Инвестиция лойиҳалари сифатида алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз раҳбари ҳар бир янги лойиҳа, ҳар бир доллар сарма фақат ва фақат қўшилган қиймат, юқори даромадли иш ўрни ва экспортни кўпайтиришга хизмат қилиши кераклигини таъкидлади. Барча раҳбарлар учун инвестиция сифати асосий мезон бўлиши шартлиги қайд этилди.

Ушбу лойиҳалар ишга туширилганидан кейин уларни мониторинг қилиш платформаси яратилган. Масалан, охириги уч йилда ишга тушган 688 та корхонадан 210 таси қувватидан тўлиқ фойдаланмаётгани аниқланган. Оқибатда 33 триллион сўмлик ишлаб чиқариш бой берилган, 23 минг иш ўрни бўш турибди.

Мутасаддиларга ушбу 210 та корхона кесимида "йўл харитаси" тузиб, муаммолар ечими бўйича аниқ муддат ва масъулларни белгилаш топширилди.

Жорий йилда 53 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиш максат қилинган. Президентимиз раҳбарлар биринчи қадамданок тўғри лойиҳа таянлаб, унга мис салоҳиятли инвестор топсагина, инвестицияда сифат бўлишини таъкидлади.

Мутасаддиларга сунъий интеллект ёрдамида мавжуд қувватлар, ички ва ташқи

бозордаги талабни ўрганиб, қайси ҳудудда қандай лойиҳа қилиш бўйича ечим берадиган платформани ишга тушириш топширилди. Инвесторлар ва консалтинг компанияларига ушбу платформадан "ягона дарча" тамойили асосида фойдаланиш учун шароит яратилди.

Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолияти ҳам таҳлил қилинди. Юртимизда бундай 18 мингдан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Лекин ишлаб чиқариши бор 526 та корхона бирор марта ҳам экспорт қилмаган. Яна 767 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхона фақат четдан товар олиб келиб, сотиш билан шуғулланмоқда.

Улар билан ишлаб, четдан маҳсулот олиб келиб сотаётган корхоналарга шунинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳалар таклиф қилиш, уларни маҳаллий тадбиркорлар билан боғлаш, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш борасида кооперацияни йўлга қўйиш, ички бозорда ишлаётган корхоналарга экспортга чиқишда кўмак бериш зарурлиги таъкидланди. Мутасаддиларга бу борада алоҳида дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Йилнинг "Ақли туман" платформаси ва вазият-таҳлил марказлари тажрибасини кенгайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари куни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги ситуацион-таҳлил марказида мазкур платформа қандай ташкил қилингани билан танишгани қайд этилди. Бугун барча вилоят ҳокимлари ушбу туманга бориб, янги тизим қандай ишлаётгани, маҳаллалар қиёфаси ва қурилишлар ҳолати билан танишди.

Вилоят ҳокимларига икки ойда ушбу тажриба асосида вилоят марказлари ва йирик шаҳарларда худди шундай ситуацион-таҳлил марказларини ишга тушириш топширилди.

Давлатимиз раҳбари барча даражадаги раҳбарлар бугунги мураккаб вазиятда натижа учун шахсан масъул эканини таъкидлади. Иқтисодий ўсишни таъминлаш, инфляцияни жиловлаш, иш ўринлари яратиш, экспортни кўпайтириш, инвестиция сифати ва тадбиркорлар муаммоларини ҳал қилиш ҳар бир раҳбарнинг асосий мезони бўлиши белгиланди.

Йилнинг вазирлар, тармоқ раҳбарлари ва ҳокимларнинг ҳисоботлари тингланди.

## ЮНЕСКО ИЖРОЯ КЕНГАШИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНА БИР ТАКЛИФИНИ МАЪҚУЛЛАДИ

ТАШКИЛОТГА АЪЗО 65 ДАВЛАТ ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИНИНГ 19 НОЯБРНИ "ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТЛИ МЕРОС КУНИ" ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ҚАРОРИГА ҲАММУАЛЛИФ БЎЛДИ



23 апрель куни ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Ижроия кенгашининг 224-сессиясида Ўзбекистон томонидан таклиф этилган 19 ноябрни — "Халқаро ҳужжатли мерос куни" деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси бир овоздан маъқулланди.

Халқаро ҳужжатли мерос кунини эълон қилиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти томонидан 2025 йил 30 октябрь куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг

43-сессияси очилиш маросимида илгаридан сурилган эди.

Ҳужжатли мерос — қўлёзмалар, архивлар, кутубхона фондлари, аудиовизуал материаллар ва рақамли ёзувлар — инсоният жамоавий хотирасининг муҳим қисми ҳисобланади. Бироқ ресурслар етишмаслиги, рақамлаштириш имкониятларининг чеклангани, технологик эскириш, иқлим ва бошқа хавф-хатарлар туфайли заиф бўлиб қолмоқда.



## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА "ЯШИЛ КҮН ТАРТИБИ"

Ресурслар учун рақобатдан ҳамкорликка ўтиш фурсати

Минтақавий экологик саммит ва Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши доирасида Остона шаҳрида бўлиб ўтган учрашувлар Марказий Осий учун оддий дипломатик тадбир эмас, балки стратегик мазмун касб этган воқеа сифатида баҳоланмоқда. Бу сафар муҳокамалар марказида турган масалалар фақат табиатни муҳофаза қилиш ёки экологик барқарорлик билан чекланиб қолмади. Аксинча, улар иқтисодий ўсиш моделлари, ресурслар тақсими, минтақавий хавфсизлик ва давлатлар ўртасидаги ишонч масалалари билан узвий боғлиқ экани яна бир бор яққол намоён бўлди.

## Долзарб мавзу

# НАРКОЖИНОЯТЧИЛИК ВА ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

### янги иш услублари самара беряпти

Самарқанд шаҳрида БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан ҳамкорликда "Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмилий наркотикаларга қарши курашиш" мавзусида ўтказилган глобал форум Ўзбекистоннинг наркожиноятларга қарши курашишдаги ўзгариш позицияси ва бу йўлда ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги янги лойиҳаларининг амалий қўрилиши бўлди.

БМТ, Интерпол, Европа Иттифоқи, ШХТ, МДХ, Жаҳон божхона ташкилоти каби 20 дан ортиқ нуфузли халқаро ташкилот, 50 га яқин давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбарлари, 500 га яқин халқаро экспертлар ва соҳа мутахассислари иштирок этган ушбу нуфузли халқаро тадбирда Ўзбекистоннинг минтақадagi мураккаб жойлашувига қарамай, наркожиноятларга қарши курашишдаги дадил қадамлари ва эришаётган ижобий ютуқлари эътироф этилди.

Мамлакатимизда сўнгги 10 йилда гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш йўналишида янги иш услублари амалиётга жорий этилаётгани самара беряпти. Нисбатан қисқа муддатда 22 та қонун ҳужжати қабул қилинди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил

6 майдаги "Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генотипига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан халқаро тадбирда Ўзбекистоннинг минтақадagi мураккаб жойлашувига қарамай, наркожиноятларга қарши курашишдаги дадил қадамлари ва эришаётган ижобий ютуқлари эътироф этилди.

Президентимиз 2025 йил 3 ноябрь куни миллат генотипини гиёҳвандликдан ҳимоя қилиш бўйича таклифлар тақдими билан танишди. Тақдиримизда йил бошидан буён Ўзбекистонда 11 мингдан зиёд наркожиноят аниқланиб, 2,5 тоннага яқин гиёҳвандлик воситаси олиб қўйилгани таъкидланди.



# ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНА БИР ТАКЛИФИНИ МАЪҚУЛЛАДИ

## ТАШКИЛОТГА АЪЗО 65 ДАВЛАТ ЎЗБЕКИСТОН ТОМОНИНИНГ 19 НОЯБРНИ "ХАЛҚАРО ҲУЖАТЛИ МЕРОС КУНИ" ДЕВ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ҚАРОРИГА ҲАММУАЛЛИФ БЎЛДИ

### Бошланиши 1-бетда

Шу нуқтаи назардан, ушбу ташаббус ҳужжатли мероснинг аҳамияти ҳақида глобал хабардорликни ошириш, аъзо давлатлар ва ҳамкорларнинг уни асраб-авайлаш бўйича савий-ҳаракатларини фаоллаштириш, ундан фойдаланиш имкониятини, жумладан, рақамли шаклда кенгайтириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ЮНЕСКОнинг "Дунё хотираси" дастурунинг кўринишини кучайтиришга қаратилган.

Ушбу ташаббус ЮНЕСКОнинг ҳужжатли меросни асраб-авайлаш, ахборотдан фойдаланиш, рақамли трансформация ва барқарор ривожланиш каби соҳалардаги устувор йўналишларига мос келади.

Бу борада Ўзбекистоннинг ташаббуси ЮНЕСКОга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Жумладан, ЮНЕСКОга аъзо 65 давлат: Албания, Жапон, Арманистон, Озарбайжон, Бахрайн, Бангладеш, Беларусь, Буркина-Фасо, Кабо-Верде, Камбоджа, Камерун, Хитой, Колумбия, Коста-Рика, Куба, Жибути, Миср, Экваториал Гвинея, Эфиопия, Гватемала, Гаити, Венрия, Ҳиндистон, Индонезия, Ямайка, Қозғоғистон, Кубайт, Қирғизистон, Ливан, Либерия, Ливия, Малайзия, Мали, Мавритания, Маврийк, Марокаш, Мозамбик, Мьянма, Нигер, Нигерия, Уммон, Палау, Украина, Бирлашган Араб Амириклари, Уругвай, Венесуэла, Вьетнам, Яман, Зимбабве Ўзбекистон томонидан таклиф этилган Ижроия кенгаши қарорининг ҳаммуаллифлари бўлди.

## Шарҳ



**Ойбек ҚЎШБОҚОВ,**  
Парламент тадқиқотлари  
институтини бўлим бошлиғи


### Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг маъруз ташриф доирасида илгари сурган ташаббуслари эса бу жарағна мулақо қилиш мазмун киритди. Улар ташқи кўринишдан экологик дастур ёки ташаббуслар тўплами бўлиб кўринса-да, аслида, Марказий Осиёнинг келгуси ўн йилликдаги геокосмосий йўналишнинг белгилаб берувчи стратегик концепция сифатида шаклланди. Бу ташаббуслар моҳиятини аниқлаш учун уларни алоҳида қарорлар эмас, балки умумий тенденция, яъни экологиянинг глобал сиёсат ва иқтисодиётда марказий ўринга чиқиши контекстида кўриб чиқиш зарур.

Бугунги кунда экологик муаммоларни алоҳида, тор соҳавий масала сифатида талқин қилиш эски ёндашувга айланмоқда. Чунки сув ресурслари тақчиллиги, иқлим ўзгариши, ер деградацияси каби жараёнлар тўғрисида тўғри иқтисодий ўсишга, озқ-овқат хавфсизлигига ва ижтимоий барқарорликка таъсир кўрсатмоқда. Шу маънода, экологик кун тартиби аста-секин давлат сиёсатининг марказий элементига айланмоқда. Остона саммити эса айнан шу ўзгаришни институционал ва сиёсий даражада мустаҳкамлаган воқеа бўлди.

Саммитда келтирилган маълумотлар ушбу тенденциянинг қанчалик жиддий эканини яққол кўрсатади. Хусусан, экспертлар баҳосига кўра, 2040 йилга бориб, Орол денгизи ҳавзасида сув ресурслари тақчиллиги деярли икки баробар ошиши мумкин. Бу рақам оддий статистика эмас, балки минтақанинг келажакдаги ижтимоий-иқтисодий сценарийини белгилаб берувчи индикатордир. Чунки сув тақчиллиги қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги пасайиши, аҳоли даромадлари қисқариши, ички миграция кучайиши ва энг муҳими, ижтимоий тенгсизликнинг ортиши демакдир.

Ўзбекистон минтақавий экологик муаммоларга барҳам бериш, унга халқаро ҳамжамият эътиборини жалб этишга ҳаракат қилмоқда. Шу йўналишдаги савий-ҳаракатлар натижасида яқинда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг Ўрмонлаштириш ва ўрмонларни тиклаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги резолюцияси қабул қилинди.



# МИНТАҚА МАНФААТЛАРИНИ УЙҒУНЛАШТИРГАН ЯГОНА, ҚУДРАТЛИ КУЧ

Остона шаҳрида ўтказилган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлиси ҳамда Минтақавий экологик саммитда энг муҳим экологик муаммолар кун тартибига кўтарилиб, уларнинг ечими борасида қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.



## Муносабат

Саммит ўтган йили Самарқанд иқлим форумида бошланган мулоқотнинг мантқий давоми сифатида Марказий Осиё давлатларининг экологик дипломатиясини тизимли, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Давлатимиз раҳбари Орол фожиаси сабаб минтақда кузатилаётган ер деградацияси, сув танқислиги, иқлим ўзгариши муаммоларини юмшатиш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш учун ҳудуддаги барча давлатлар ҳамда шу йўналишдаги ташкилотлар бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжихатликда ҳаракат қилиши зарурлигини қайд этди. Шу йўлда Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ҳамда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети ("Green University") ҳузурида фаолият юритаётган Чўлланишга қарши курашиш, қургўқилиқнинг олдини олиш ҳамда қум ва чанг бўронлари ҳақида барвақт огоҳлантириш маркази билан ҳамкорликда мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш таклиф этилди.

Университетимиз ҳузуридаги марказга минтақавий мақом бериб, унинг базасида илмий салоҳиятни бирлаштириш, ер деградацияси ҳамда туз ва чангли бўронларни мониторинг қилиш бўйича кучли тизим яратиш кераклиги айтилди.

Шунингдек, мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш бўйича кўрилатган тизимли чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида қарийб 1 миллиард туپ дарахт ва бутта экилгани, Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектардан ортқ майдонда ўрмонзор барпо этилиб, янги "яшил белбоғ"лар яратилаётгани қайд этилди.



**Бахтиёр ПЎЛАТОВ,**  
Марказий Осиё атроф-муҳит  
ва иқлим ўзгаришини ўрганиш  
университетини ректори,  
техника фанлари доктори,  
профессор

Ўзбекистон минтақавий экологик муаммоларга барҳам бериш, унга халқаро ҳамжамият эътиборини жалб этишга ҳаракат қилмоқда. Шу йўналишдаги савий-ҳаракатлар натижасида яқинда Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг Ўрмонлаштириш ва ўрмонларни тиклаш бўйича ҳаракатлар ўн йиллиги резолюцияси қабул қилинди.

Мамлакатимизда жорий йил чиқиндиларни ёқишга иختисослашган иккита янги завод ишга туширилади, яна 9 таси келгуси икки йил давомида фаолият бошлайди. Уларнинг ишга туширилиши ҳар йили 5,5 миллион тонна чиқиндини утилизация қилиш, 2,2 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш, шунингдек, чиқиндилар ҳажмини 1 миллион тоннадан ортқққа қисқартириш имконини беради.

Саммитдаги муҳим таклифлардан яна бири технологик ўтиш жараёнларини тезлаштириш учун имтиёзли божхона тартиблари ва эомаҳсулотлар

учун сертификатларни ўзаро тан олишни назарда тутувчи "Марказий Осиё яшил савдо йўли"ни шакллантиришдир.

Президентимизнинг 2023 йил 12 майдаги "Яшил энергия" сертификатлари тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, I-REC ташкилоти билан ҳамкорликда ўзбек тадбиркорлари учун "яшил энергия" сертификатини бериш тизими йўлга қўйилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда "яшил" энергиядан фойдаланаётган кўплаб тадбиркорлар шу сертификатга эга. Юқоридagi таклиф ушбу сертификатнинг жозибдорлигини янада оширади.

"Марказий Осиё яшил савдо йўли"ни шакллантириш ташаббуси эса минтақанинг келгусида Европа давлатларига "яшил" энергетика экспорт қилиш режаси истиқболи учун ҳам аҳамиятли. Бу йўналишда минтақа давлатлари ўзаро ҳамкорликда қатта лойиҳаларга қўл урмоқда. Шулардан бири Қозғоғистон ва Озарбайжон билан ҳамкорликда Европага электр энергияси экспорт қилиш учун "яшил йўлак" ташкил қилишдир. Ушбу лойиҳа Бокудаги COP29 саммитида имзоланган келишув асосида амалга оширилмоқда.

Айни пайтда бу бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Каспий ва Қора денгиз остидан кабель тортиш орқали Европага "яшил стратегик йўлак" барпо этилиб, яшил энергия экспорт қилиниши кўзда тутилган. Ҳозирги кунда Италия компанияси томонидан дастлабки технологиялар ишлаб чиқарилмоқда.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган бу каби гоя ва ташаббуслар минтақадagi барча давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик манфаатларини уйғунлаштириб, Марказий Осиё мамлакатларининг ҳаракатларини ягона, қудратли кучга бирлаштиришга қаратилгани билан стратегик аҳамият касб этади.

Минтақавий экологик саммит иқлим масаласида умумий мақсадга эришиш йўлидаги яна бир қадам бўлди. Иқлим ва экологик муаммоларни баргараф этиш бўйича янги ва амалий ечимларни ишлаб чиқиш нафақат Марказий Осиё мамлакатларининг глобал иқлим кун тартибига қўшган ҳиссасини ошириш, балки экотизимлар барқарорлигини таъминлаш, ҳаво ифлосланишини камайтириш, табиий ресурсларни барқарор бошқариш ва устувор равишда сув ҳамда энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича минтақавий вазифаларни ҳал этишга ҳам хизмат қилади.

# МАРКАЗИЙ ОСИЁДА "ЯШИЛ КҮН ТАРТИБИ"



## Ресурслар учун рақобатдан ҳамкорликка ўтиш фурсати

Муаммонинг янада мураккаб жиҳати шундаки, бугунги кунда минтақда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги паст даражада қолмоқда. Қишлоқ хўжалигида бир доллар қўшилган қиймат яратиш учун деярли уч куб метр сув сарфланаётгани қайд этилди. Бу кўрсаткич жаҳондаги ўртача даражадан қарийб икки баробар юқори. Демак, муаммо фақат ресурс етишмаслигида эмас, балки унинг самарасиз бошқарилишида ҳам намоён бўлмоқда. Бошқача айтилганда, Марказий Осиё давлатлари табиий ресурслардан фойдаланишининг эски, экстенсив моделида қолиб кетган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиздаги ислохотлар муҳим аҳамиятга эга. Ҳозир сугориладиган ерларнинг 60 фоизиде сувни тежайдиган технологиялар жорий этилган, ирригация тармоқларининг 40 фоизи бетонлаштирилган ва насос станцияларини модернизациялаш орқали энергия сарфи қарийб 30 фоиз камайтирилган. Бу чора-тадбирлар натижасида ҳар йили 10 миллиард куб метрдан ортқ сув тежалмоқда ва 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич 15 миллиард куб метрга етказилиши режалаштирилмоқда.

Ушбу рақамлар, шубҳасиз, салмоқли ютуқлардан далолат беради. Бироқ бу ерда муҳим бир савол туғилади: ушбу ислохотлар тизимли трансформацияни амалга ошириш ёки мавжуд моделни қисман оптималлаштириш билан чекланадими? Чунки ҳақиқий барқарорликка эришиш учун фақат технологиялар жорий этиш етарли эмас. Бунинг учун иқтисодий механизмларни, ресурслардан фойдаланишга ёндашувни ва ҳатто жамиятнинг маданий қарашларини ўзгариштириш талаб этилади.

Айнан шу жиҳатдан қараганда, саммитда илгари сурилган ташаббуслар орасида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолиятини модернизациялашга қаратилган таклифлар алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу жамғарма узоқ йиллар давомида минтақавий ҳамкорликнинг муҳим институти бўлиб келаётган эса-да, самарадорлиги чеклангани тан олинши керак. Шунинг учун унинг институционал салоҳиятини ошириш, ваколатларини аниқ белгилаш ва фаолиятини натижадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш зарурлиги таъкидланди. Бу таклифлар жамғарма фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш имкониятини беради. Бироқ бу ерда ҳам асосий масала сиёсий ирода ва давлатлар ўртасидаги ишонч даражасидир. Чунки трансгегаравий ресурслар масаласида келишувга эришиш ҳар доим

ҳам осон кечмайди. Шу боис, маъзур ташаббусларнинг муваффақияти фақат техник ечимларга эмас, балки сиёсий мулоқотнинг чуқурлигига ҳам боғлиқ бўлади.

Саммитда илгари сурилган яна бир муҳим гоя "Марказий Осиё яшил савдо йўли"ни яратиш ташаббусидир. Ушбу гоя, биринчи қараида, экологик маҳсулотлар айланмасини рағбатлантиришга қаратилгандек кўринса-да, аслида, у минтақавий иқтисодий интеграциянинг янги модели сифатида баҳолашни мумкин. Бу ташаббус доирасида экологик стандартларни уйғунлаштириш, сертификатларни ўзаро тан олиш ва савдо тартибларини соддалаштириш кўзда тутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, минтақда "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш учун қўлай шароит яратаяди.

Муҳокамаларда яна бир концептуал масала — ресурслардан фойдаланиш маданиятини ўзгариштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Президентимиз қайд этганидек, агар жамиятнинг сувга муносабати ўзгармаса, ҳеч қандай муҳандислик ечимлари қўлланган самарани бермайди. Бу фикр моҳиятан барқарор ривожланишнинг энг чуқур ва энг мураккаб жиҳатини ифода этади. Чунки маданиятни ўзгариштириш узоқ муддатли, тизимли ва кўп қиррали жараён бўлиб, у таълим, тарғибот ва институционал ислохотлар уйғунлигини талаб қилади.

Шу жиҳатдан "Келажак суви" дастурини ишга тушириш таклифи стратегик аҳамиятга эга. Ушбу дастур орқали фермерлар ва саноат корхоналарини сувни тежайдиган технологиялардан самарали фойдаланишга ўргатиш кўзда тутилмоқда. Бу эса нафақат ресурсларнинг тежалаш, балки иқтисодий самарадорликни оширишга ҳам хизмат қилади.




туғилади: ушбу "ўн йиллик" қандай аниқ механизмлар орқали амалга оширилади? Агар у аниқ индикаторлар, молиялаштириш манбалари ва ҳисобдорлик тизими билан таъминланмаса, у ҳам кўплаб бошқа халқаро ташаббуслар каби декларатив характерда қолиб кетиши мумкин.

Остона саммитида муҳокама қилинган ташаббуслар орасида яна бир стратегик йўналиш минтақавий маълумотлар ва таҳлил тизимини яратиш масаласидир. Хусусан, Марказий Осиё экологик атласини ишлаб чиқиш таклифи бу борада муҳим қадам бўлиши мумкин. Чунки ҳозирги кунда минтақда экологик маълумотлар тарқоқ, тизимлашмаган ва кўп ҳолларда ўзаро солиштириб бўлмайдиган ҳолда сақланмоқда. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнини қийинлаштиради.

Агар ягона маълумотлар базаси ва таҳлил платформаси яратилса, бу нафақат давлатлар ўртасида ишонччи оширади, балки инвестицияларнинг жалб қилиш учун ҳам муҳим омилга айланади. Чунки инвесторлар учун шаффофлик ва аниқлик биринчи даража аҳамиятга эга.

Минтақавий ҳамкорликни кучайтириш учун технологик платформалар аҳамияти ортиб бормоқда. Рақамлаштириш, сунъий интеллект ва мониторинг тизимлари орқали сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мумкин. Аммо бу ерда ҳам савол туғилади: Марказий Осиё давлатлари бундай технологияларни жорий этишга тайёрми? Бу нафақат молиявий, балки институционал ва кадрлар салоҳиятига ҳам боғлиқ масала.

Остона саммитидаги муҳокамадан келиб чиқадиган яна бир муҳим ҳолошуш, Марказий Осиё давлатлари учун экологик кун тартиби энди ташқи босим эмас, балки ички эҳтиёжга айланмоқда. Бу жуда муҳим ўзгариш. Чунки ташқи босим асосида қабул қилинган қарорлар кўп ҳолларда формал характерда бўлади. Ички эҳтиёж эса ҳақиқий ислохотларни рағбатлантиради.



УШБУ МАҚОЛАНИ  
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА  
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН  
QR-КОДНИ СКАНЕР  
ҚИЛИНГ!

мумкин. Шунинг учун "яшил ўтиш" сиёсатини амалга оширишда ижтимоий ҳимоя механизмлари, бизнес учун қўллаб-қувватлаш чоралари ва босқичма-босқичлик тамойили муҳим аҳамият касб этади.

Остона саммити нафақат муаммоларни аниқлаш, балки уларни ҳал қилиш бўйича аниқ йўналишларни белгилаб берди. Бу йўналишлар орасида энг муҳими интеграцияни чуқурлаштиришдир. Чунки экологик муаммолар миллий чегараларни тан олмайди. Демак, уларни ҳал қилиш учун ҳам миллий эмас, минтақавий ёндашув талаб этилади.

Энг муҳими, бу жараён янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг мазмун-моҳиятини яна бир бор намоён қилди. Яъни очиклик, прагматизм ва конструктив ҳамкорликка асосланган ёндашув миллий манфаатларни илгари суриш билан бирга минтақавий манфаатларни шакллантиришга ҳам хизмат қиломоқда.

Агар ушбу ташаббуслар ишчил ва тизимли равишда амалга оширилса, Марказий Осиё нафақат экологик муаммоларни ҳал қилишда, балки "яшил иқтисодиёт"ни ривожлантиришда ҳам глобал миқёсда муҳим ўрин эгаллаши мумкин. Бу ўз навбатида, минтақанинг халқаро нуфузини ошириш, инвестицияларни жалб қилиш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Шу маънода, Остона саммити натижаларини фақат ҳужжатлар ёки баёнотлар билан ўлчаш тўғри эмас. Унинг ҳақиқий аҳамияти янги фикрлаш тарзи, янги ёндашув ва энг муҳими, янги имкониятлар эшигини очганида намоён бўлади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



Долзарб мавзу



"JAMOAT SALOMATLIGI VA XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH MAQSADIDA TRANSMILLIY NARKOTAHIDLARGA QARSHI KURASHISH"

2026-yil 20-aprel, Samarqand

"COUNTERING TRANSNATIONAL DRUG THREATS TO PUBLIC HEALTH AND SECURITY"

April 20, 2026, Samarkand

Давлатимиз раҳбари ўша куннинг ўзида-ёқ "Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркотиқлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонни имзолади. Ушбу ҳужжатдан кўзланган мақ...



НАРКОЖИНОЯТЧИЛИК ВА ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ЯНГИЧА ИШ УСЛУБЛАРИ САМАРА БЕРЯПТИ

Аср вабосига қарши курашишда кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирлар ҳам самара бермоқда. Хусусан, "Қорадори — 2025" тадбири давомида таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган экинларни етиштириш билан боғлиқ 1500 га яқин жиноят аниқланди.



Ботир ҚУДРАТХҲУЖАЕВ, Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, соҳадаги салбий тенденциялар таҳлил қилинди. Жумладан, истеъмоли енгил, яшириш ва тарқатиш қулай, дори шаклидаги психотроп ва синтетик моддалар аънанавий наркотиклар ўрнини эгаллаётгани, улар асосан ёшлар орасида тарқалаётгани, синтетик наркотиклар яширин нарколабораторияларда тайёрланиб, интернет орқали контакtsiz шаклда ўтказилаётгани қайд этилди.

сад гиёҳвандлик ва уюшган наркотиқчиликка қарши курашиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш орқали аҳоли, айниқса, ёшлар саломатлиги ҳамда миллат генофондини самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилашдан иборат эди.

Фармон билан Гиёҳвандлик ва наркотиқчиликнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури тасдиқланди. Миллий дастурда 52 та устувор йўналиш ва уларни бажаришда алоҳида чора-тадбирлар белгиланди.

Республикада наркотиқчиликка қарши курашиш йўналишида ўтказилаётган ислохотлар натижасида тезкор-қидирув фаолияти самарадорлиги сезиларли даражада ошди. Жумладан, 2025 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўтказган тезкор-қидирув тадбирлари давомида 15 минг 412 та наркотиқчилик, синтетик гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган 14 та нарколаборатория ва кучли таъсир қилувчи дори воситаларини қўлбола қадлоқловчи цех аниқланди. Гиёҳвандлик воситалари савдосини тарғиб қилувчи интернет-наркодўкон акс эттирилган 13 минг 170 та "наркографик" аниқланиб, йўқ қилинди.

Наркотиқчилик содир этган 11 мингдан ортиқ шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Ноқонуний муомаладаги 3 тонна 775 килограмм гиёҳвандлик воситаси ўрнатилган тартибда йўқ қилинди. "Қора бозор"даги тахминий нархи 14 миллион долларга тенг 2 миллион 55 минг дондан ортиқ кучли таъсир қилувчи дори воситаси олинди.

Бу жараёнда биринчи ўринда профилактик тадбирларга алоҳида аҳамият



берилляпти. Ҳар йили февралда "Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тарқалишининг олдини олиш" комплекс тезкор-профилактик тадбири мунтазам ўтказилмоқда. Бундан ташқари, спорт мусобақалари, тасвирий санъат кўрик-танлови, театрлаштирилган сахна кўринишлари, челленж, "Кувноқлар ва зукколар" ўйини, марафонлар ташкил этилди.

Жорий йил 27 январда бўлиб ўтган йиғилишида наркотикларга қарши курашишда давлат органлари фаолияти танқидий-таҳлилий кўриб чиқилиб, қатор муҳим вазифалар белгиланганди. Хусусан, ўтган йилда пойтахтда наркотикка

ружу қўйган 1500 дан ортиқ шахс расман рўйхатга олинган, ачинарлиси, "соя"да бўлган гиёҳвандларнинг сони бундан ҳам кўплиги қайд этилди.

Ушбу йилдаги қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида бундан буён "Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тарқалишининг олдини олиш" комплекс тезкор-профилактик тадбири йил давомида 3 босқичда ташкил этилиши белгиланди. Унинг биринчи босқичи жорий йил февралда ўтказилди. Тадбир давомида таълим ташкилотлари, корхона-ташкилотлар ҳамда маҳалларда таниқли, обу-эйтиборга эга шахслар иштирокида учрашув ва давра суҳбатлари

уюштирилди. Маҳаллардаги уюлмаган ёшлар, бемақсад ва ишсиз юрганлар ҳамда муқаддам судланганлардан 640 нафарининг бандлиги таъминланди.

Аср вабосига қарши курашишда кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирлар ҳам самара бермоқда. Хусусан, "Қорадори — 2025" тадбири давомида таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган экинларни етиштириш билан боғлиқ 1500 га яқин жиноят аниқланди. Бу ҳолат йил давомида аниқланган ушбу турдаги жиноятларнинг 70 фоизини ташкил этди. Қарийб 27 минг квадрат метр майдонда етиштирилаётган гиёҳвандлик ўсимликлари йўқ қилинди. Шунингдек, захриқотилни икки

мингга яқин ўтказиш, икки мингдан ортиқ сақлаш, 172 та контрабанда қилиш жинояти фош этилди.

Айни пайтда аҳоли орасида гиёҳвандлик иллати тарқалишига қарши курашишга янгица ёндашилишти. Аввало, ушбу тизимнинг моддий-техник базаси, айниқса, эксперт-криминалистика соҳаси такомиллаштирилмоқда, жиноят қидирув ходимлари замонавий тезкор текшириш мосламалари билан таъминланяпти. Тизимни рақамлаштириш янги босқичга олиб чиқилмоқда. Интернетда гиёҳвандлик воситалари тарқатилишини сунъий интеллект технологиялари ёрдамида аниқлаш ва блоклашга мўлжалланган махсус дастурлар, маълумотлар базаси ишлаб чиқилмоқда.

Барча соҳавий хизматлар ходимлари, айниқса, таълим ташкилотлари инспектор-психологларининг нарковазият ва наркотиқчилик йўналишида малакасини мунтазам ошириб бориш тизими йўлга қўйилди. Ички ишлар органлари тузилмаларида прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тизими фаолияти ташкил этилди.

Йирик миқдордаги наркотиқчилик, хусусан, нарколабораторияларни аниқлаш фуқаролар муносиб рағбатлантириляпти. Жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар ҳамда пробация ва профилактик ҳисобда турган шахсларга яқна тартибда тезкор-профилактик чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ҳуқуқни ва талабалар ўртасида гиёҳвандлик ҳамда наркотиқчиликнинг олдини олишининг янги тизими жорий этилмоқда. Жумладан, махсус отрядлар ва патруллар ташкил этилиб, ички ишлар органларига хабар бериш тизими такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш ва наркотикларга қарамликнинг олдини олиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ушбу йўналишда ички ишлар органлари салмоқли натижаларга эриштипти. Бу борада нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, балки тиббий ва ижтимоий жиҳатларни қамраб олган комплекс ёндашув жорий этилмоқда.



Фаровонлик харитаси

"ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСИ" — ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИНГ ИШОНЧЛИ ОВОЗИ

Халқимизнинг "Доно тинлар, муаммони ўнлар" ҳикмати асосида аҳоли муурожаатлари билан ишлашнинг мутлақо янги тизими йўлга қўйилди. Зеро, янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг туб замирида инсон қадрини улуглашдек эзгу мақсад мужассам экан, халқимизни рози қилишнинг энг асосий йўли, аввало, мулоқот ва муаммолар ечимидир. Боиси, аҳолини қийнаётган муаммолар халқнинг ичига чуқур кириб борилгандагина яхши билинади. Муаммолар ечимига доир қарорлар эса бевосита яртдошларимиз иштирокида қабул қилиниши натижанинг самарали бўлишини таъминляпти.

Бу борада "Ташаббусли бюджет" ҳам аҳолининг муаммолари масалаларини ўрганиш ва ҳал этиш, ҳам ушбу жараёнда юртдошларимизнинг бевосита иштирокини таъминлаш нуқтани назардан ғоят самарали лойиҳалардан бири бўлди. Ушбу лойиҳа Президентимизнинг 2021 йил 13 апрелдаги

"Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилган.

Қарорга мувофиқ, "Фуқаролар ташаббуси" жағмармаси тузилди ва унинг молиявий манбалари туман (шаҳар) бюджетидан 5 фоиз,

кўшимча манбаларнинг камида 30 фоизи этиб белгиланди. Кейинчалик вилоятларнинг кўшимча маблағларининг бир қисми ҳам шу тизим бўйича сарфланган бўлди. 2021 йилда лойиҳа синов тарихида ҳар бир ҳудуддан биттадан туманда амалга оширилди. Тажриба давомида 41 мингдан ортиқ тақлифга фуқаролар томонидан 1 миллиондан ортиқ овоз берилди. Натижада 1600 та тақлиф голиб бўлиб, у ерларда қурилиш, таъмирлаш ишларини олиб бориш учун 407 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Таъмирланиши керак бўлган манзилни тақлиф этиш ва овоз бериш жараёнларини олиб бориш учун "Очиқ бюджет" ахборот портали ташкил этилди. Барча амалларнинг онлайн тарзда, инсон омилиси эвазга олиштирилиши эса одамларнинг ушбу механизмга ишончини янада орттирди.

Ўтган йилларда "Ташаббусли бюджет" билан бир қаторда айни мақсад ва механизмга асосланган "Менинг йўлим", "Менинг боғчам", "Менинг боғим" каби лойиҳалар эълон қилинмоқда. Бунда йўналишлар бўйича алоҳида овоз тўплашга эҳтиёж юқорилиги ушбу лойиҳалар аҳамиятини белгилляпти.

2026 йил 21 мартда "Ташаббусли бюджет" лойиҳасининг жорий йил биринчи мавсуми голиблари эълон қилинди. Яқини натижаларга кўра, 1996 та лойиҳа голиб деб топилди. Шундан 1980 таси аънанавий, 16 таси шериклик лойиҳа ҳисобланади. Голиб лойиҳаларини амалга ошириш учун жами 3 триллион 5 миллиард 827 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши режалаштирилган. Энг кўп лойиҳалар ички йўллар, мактаблар, соғлиқни сақлаш муассасаларини таъмирлаш ва жиҳозлаш йўналишларида бўлди.

Умуман, ўтган йиллар давомида "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси давлат ва жамият учун бирдек фойдали экани исботланди. Шу боис, бу тизимни кенгайтириш, янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ушбу лойиҳанинг қамрови янги механизмларни жорий этиш орқали янги кенгайтирилди. Улардан бири "Депутатлар ташаббуси" лойиҳасидир. Бу эса янада кўпроқ ташаббускорлар голиб бўлишига замин яратди.

Мазкур лойиҳа тартибига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари шу

йилдан бошлаб ҳар йили ташаббусли бюджет жараёнлари доирасида тегишли сайлов округларига голиб бўлмаган лойиҳалар орасидан аҳолининг кундалик ҳаётига ва ҳудудни ривожлантиришга бевосита таъсир қиладиган иккита лойиҳани (ҳар мавсумда биттадан) "Очиқ бюджет" ахборот порталида танлаши ва мазкур танлов республика бюджетини молиялаштириш учун овоз бўлиши белгиланди. Мазкур янги тартиб асосида жорий йил илк бор голиб бўлган лойиҳалар сони яна қарийб 150 тага кўпайди. Уларни депутатлар муайян мезонларга кўра саралаб берди.

ЙЎЛИМИЗ РАВОН БЎЛСА, ҲАЁТИМИЗ ТЎКИН БЎЛАДИ

Иқболжон ЭСОНОВ, Наманган вилояти "Бешсерка" МФЙ раиси:

— Маҳалламизда бир ярим мингдан ортиқ киши истиқомат қилади. Кўп йиллардан буён маҳалламизнинг асосий йўли — Булокбоши кўчасининг 2,6 километр қисми яроқсиз аҳволга тушиб қолганди.

Икки-уч йилдан бери "Ташаббусли бюджет"га лойиҳа сифатида киритамиз, аммо муваффақият қозона олмаيمиз. Бу йил ҳам голиб бўла олмадик. Энди умидларимиз пучга қаттиқ деб турганимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатимиз Зафар Худойбердиев Президентимиз қарори билан "Ташаббусли бюджет" жараёнлари доирасида голиб бўлмаган лойиҳани депутат ташаббусига кўра голиб деб эълон қилиш тартиби йўлга қўйилгани, лойиҳамиз ушбу тартибга асосан танланганини билдирди. Очиги, давлатимиз раҳбарининг мана шундай қилич, аммо биз учун муҳим жиҳатларга ҳам эътибор қаратиб, ҳуқуқий ечим яратиб берганидан жуда хурсанд бўлдик.

Йўл таъмири фақатгина транспорт маҳалла ичида эркин ҳаракатланади дегани эмас. Ушбу лойиҳанинг қўллаб-қувватланиши ортидан ҳудуддаги қўллаб-қувватланиш муаммолари ўз ечимини топади. Чунки бу йўл нафақат ички, балки кўшма маҳаллаларни боғлайдиган, транспорт воситалари қатнови яхшиланиши эвазига аҳолига ҳам вақтини, ҳам маблағини тежашга имкон берадиган йўл ҳисобланади.

Шунингдек, мазкур йўл ёқасида янги хизмат кўрсатиш шохобчалари ва дала дўконлари фаолияти йўлга қўйилди. Аҳолининг асосий машғулоғи чорвачилик бўлгани учун йўл ёқасида чорва озукаси дўконларини очишга ҳам эҳтиёж бор. Шу билан бирга, ушбу лойиҳа тез тиббий ёрдам ва бошқа факултада хизмат машиналари маҳаллага ўз вақтида етиб келиши ҳамда туман марказий шифохонасига беморлар ўз вақтида етказилишига ҳам хизмат қилади.

Умуман, йўлимизнинг равон бўлиши ҳаётимизни янада фаровонлаштиради. Марказдан олисда жойлашган бўлса-да, мана шундай маҳалларда янги Ўзбекистон қиёфасини яратишга қаратилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларидан маҳалламиз ҳам четда қолмаётганимиздан мамнунимиз.



\*\*\*

Бир сўз билан айтганда, ташаббусли бюджет тизими ҳар йили кенг қўламли бунёдкорлик ишларига замин бўлмоқда. Натижада қанчадан қанча йўл, боғча, мактаб, тиббиёт муассасалари таъмирланиб, аҳолимизга янада сифатли хизмат кўрсатяпти. Миллионлаб овозларнинг ҳар бири одамларимиз фикри, ўй-хаёли, ниятини акс эттиради. Бундай бунёдкорликлар эса халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб, фаровон яшашига замин яратмоқда.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Санжар ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТ ВА АДОЛАТЛИ ҚАРОР КАФОЛАТИ

Мақсудбек ҚУРБОНБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари:

— "Очиқ бюджет" портали орқали аҳоли томонидан илгари сурилган лойиҳалар очиқ овоз бериш орқали сараланади. Энг кўп овоз тўплаган лойиҳалар голиб бўлиб, молиялаштирилади. Бу жараёнда адолат, тенглик ва ошқоралик устувор тамойил сифатида қарор топмоқда.

Аммо йиллар давомида ушбу тизимда ҳам эътибор қаратиш керак бўлган жиҳатлар кўзга ташланди. Жумладан, айрим ҳолатларда жуда муҳим ва долзарб лойиҳалар етарлича овоз тўплай олмагани сабаб голибликка эриша олмаляпти. Ана шу эҳтиёждан келиб чиқиб, янги механизм — "Депутатлар ташаббуси" амалиётга жорий этилди.

Мазкур тизим Ўзбекистон Президентининг 2025 йил 29 августдаги "Ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ йўлга қўйилди. Унинг асосий мақсади "Ташаббусли бюджет" жараёнларини янада такомиллаштириш, халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқилишдан иборат.

2026 йилдан бошлаб ҳар бир депутат учун йиллик 3,3 миллиард сўм ажратилиши белгиланган, умумий ҳисобда 494 миллиард сўм маблағ режалаштирилган. Бу эса ҳудудлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда катта имконият яратяпти.

Янги тартибда қатор муҳим чеклов ва талаблар ҳам жорий этилган. Жумладан, лойиҳалар голиб деб топилиши учун минимал овозлар сони 50 та этиб белгиланди (аввал 10 та эди). Жиҳозлаш лойиҳалари учун энг юқори қиймат эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 минг баробарга тенглаштирилди.



Депутатлар томонидан лойиҳаларни танлашда бир қатор мезонлар инобатга олинади: лойиҳа тегишли сайлов округида жойлашган, овоз бериш босқичидан ўтган ва белгиланган минимал овозни тўплаган бўлиши ҳамда шериклик асосида амалга ошириляётган лойиҳаларга тегишли бўлмаслиги лозим.

Бундан ташқари, бир маҳалладан кетма-кет икки мавсумда депутат ташаббуси сифатида лойиҳа танлаб олинишига йўл қўйилмайди. Агар депутат белгиланган муддатда лойиҳани танламаса, у ўз ваколатидан фойдаланмаган деб ҳисобланади ва кейинги мавсумларда бу ҳуқуқ қайтариб берилмайди.

Жорий йил март ойида ўз сайлов округлариниқиздаги фаолиятимиз давомида овоз бериш натижасида голиб бўлмаган лойиҳаларни афродича ўргандик. Жумладан, Янгиёриқ туманидаги қатор лойиҳалар таҳлил қилинди. Урганишлар натижасида туманининг "Чақир" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган Оқмачит канали устидаги кўприкни таъмирлаш лойиҳаси атиги 79 та овоз тўплагани аниқланди. Ушбу кўприк кўп йиллардан буён аҳолига хизмат қилиб келаятгани, айни пайтда ҳолати анча ёмонлашган. Шу боис, "Депутатлар ташаббуси" асосида мазкур лойиҳа қўшимча равишда голиб деб топилди, кўприкни таъмирлаш учун 1 миллиард 648 миллион сўм ажратилиши белгиланди.

Бугунги кунда "Очиқ бюджет" орқали мактаблар таъмирланмоқда, йўллар қуриломоқда, ичимлик сув ва электр таъминоти яхшиланмоқда. Бу эса тизимнинг амалдаги самарадорлигини яққол намойен этмоқда.

"Очиқ бюджет" ва "Депутатлар ташаббуси" оддий ислохот эмас. Бу халқ иродаси акс этадиган, адолатли қарорлар қабул қилинадиган ва жамият ишончини мустаҳкамлайдиган замонавий демократик механизмдир.



29 апрель – Зилзила қурбонларини хотирлаш халқаро куни

# ТАБИАТ ҲОДИСАСИ – ЕР СИЛКИНИШИ ҚАНДАЙ СОДИР БЎЛАДИ?



Ўтган йили БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан 29 апрелни Зилзила қурбонларини хотирлаш халқаро куни деб эълон қилди. Аслида, ер силкиниши энг вайронкор табиий офатлардан бири. Айниқса, кейинги йилларда дунёнинг бир қанча мамлакатларида рўй берган кучли зилзилалар туфайли минглаб одамлар қурбон бўлди. Бу, албатта, кўпчиликда катта ташвиш уйғотди.

ЎзФА Сейсмология институти бош илмий ходими, академик Қаҳҳорбой АБДУЛЛАБЕКОВ билан суҳбатимиз табиий ҳодиса — зилзилалар ҳақида бўлди.



— Кўпчилик зилзиланинг келиб чиқиш сабабларини билмайди. Суҳбатимиз аввалида шу ҳақда тўхталиб ўтсангиз.

— Одамлар жуда қадим замонлардан буён зилзиланинг келиб чиқиш сабабларини билган қизиқиб келган. Грек олимиди Демокрит (эрамыздан аввалги 460-370 йиллар) фикрича, зилзилалар қор, ёмғир, денгиз ва кўллардаги сувларнинг ер остига шимиллаши натижасида рўй беради. Бошқа грек олимиди Аристотель (эрамыздан аввалги 384-322 йиллар) ғор ва бошқа бўшлиқларда йиғилиб қолган ҳавонинг катта босим таъсирида ер остига киришини, ой тугилишини ва довуллари зилзиланинг сабабчиси, деб кўрсатган.

Ўрта асрнинг машҳур қомусий олимлари Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва кейинроқ Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам ўз асарларида зилзиланинг сабаб ва оқибатлари ҳақида фикрлар билдирган. Улар зилзилалар йиллардагина содир бўлиши ҳамда йил фаслларига, Кўёш ва Ой фазаларига боғлиқлиги ҳақида ёзишган. “Бобурнома”да зилзила кучи ер устида қандай тарқалиши ҳақида қимматли фикрлар айтилган.

Сўнги ўн йилликларда Ернинг қонотида ва Кўёш тизимида тугган ўрни, ўлчамлари, физик ва кимёвий хоссалари, тузилиши, ундаги турли жараёнлар тўғрисида геология, геофизика, геохимия, астрономия ва яна бир нечта фанлар ёрдамида аниқ маълумотлар олишга муваффақ бўлинди.

Зилзиланинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида ҳозирги кунда, асосан, икки хил фикр бор — фиксиктик ва мобилистик. Фиксиктик фикрга кўра, ернинг чуқур қатламларида мурраккаб кимёвий, физикавий жараёнлар тўхтовсиз давом этади. Уларнинг биринчиси, солиштирма оғирликларни оғир жинсларнинг доимо пастга, енгил жинсларнинг юқорига бўлган ҳаракати. Иккинчиси, радиоактивлик хоссаси асосида бир жинсдан иккинчиси ҳосил бўлиши ёки жинсларнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши натижасида энергия ажралшиши.

Бундай реакциялар содир бўлишига сабаб ернинг чуқур қатламларида жуда катта босим ва иссиқлик мавжудлигидир. Энергиянинг сақланиш қонунига кўра, у йўқолиб кетмайди. Демак, ҳосил бўлган энергия сарф бўлиши керак. Ушбу энергия ернинг остида жуда катта ҳажмдаги жинсларни ҳаракатга келтирилади. Энергиянинг қанчалик катталигини тасаввур қилиш учун Тяньшань, Помир, Кавказ ёки Ҳимолай тоғларини кўз олдимизга келтириб кўрайлик. Масалан, бизга бу маълумотлар тўлиқ эмас. Кейинги 100-200 йиллик

бўлган майдонни эгаллаган улкан “тоғ мамлакати”дир. Баланглиги айрим жойларда 4-5 километрдан ортади. Ана шу улкан тоғларни ҳосил қилувчи кучлар зилзилаларга ҳам сабаб бўлиши эҳтимоли бор.

Марказий Осиё ҳудудида ҳозир тоғ ҳосил бўлиш жараёни давом этмоқда. Ана шу тоғ ҳосил қилувчи тектоник жараёнлар зилзила содир бўлишига олиб келиши мумкин. Энг асосий сабаб тоғ ҳосил қилувчи ер ости кучларининг майдон бўйлаб бир текисда тарқалмаслигидир.

Тяньшань, ўз навбатида, Фарғона, Чотқол, Туркистон, Олой, Зарафшон, Ҳисор каби 10 га яқин тоғ тизмаларидан ташкил топган. Тоғ тизмалари силсиласида Чуй ва Фарғона водийлари, Тошкент воҳаси жойлашган. Одатда тоғ тизмалари каттароқ тезликда, улар ўртасидаги воҳалар камроқ тезликда ҳаракат қилади. Тезлиги ҳар хил бўлган қатламларда аста-секин бурилишлар, эгилишлар пайдо бўла бошлайди ва охири-охири уларнинг синиши-парчаланишига олиб келади. Ана шу жараён зилзилани келтириб чиқаради. Йиғилган механик энергия эластик сейсмик тўлқинлар энергиясига айланади ва ер силкинишига олиб келади.

Мобилистик фикрга кўра, Ер шарни ўндан ортиқ йирик плитага бўлинган. Улар турли йўналишда горизонтал ҳаракатга эга. Плиталарнинг ўзаро тўқнашуви улкан тоғлар ҳосил бўлишига, жумладан, зилзилалар рўй беришига олиб келади. Масалан, Марказий Осиёдаги Тяньшань, Помир, Ҳиндикуш тоғларининг пайдо бўлиши ва зилзиланинг келиб чиқишига сабаб Ҳинд ва Евроосиё плиталарининг тўқнашуvidир.

Хулоса қиладиган бўлсак, тоғ ҳосил қилувчи зилзилаларга олиб келувчи жараёнлар вертикал ва горизонтал йўналган қўшимча кучлар таъсирида рўй беради.

— Турли йилларда юзага келган табиий офатлар тарихини яхши билишимиз, ундан зарур хулоса чиқаришимиз фойдалан холи бўлмас керак?

— Юртдошларимиз мамлакатимизда баъзан кучли, баъзан кучсиз зилзилалар рўй бериб туришини яхши билади. Бироқ инсон табиатида унутувчанлик хусусияти мавжуд. Масалан, йиллар ўтган сари юз берган табиий офатлар кўпчилиги эдимиздан чиқармас, сув тошиши ёки кўчки эҳтимоли бўлган ерларга иморатлар курамини ва ҳоказо. Зилзила ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Кўпгина давлатларда минг йил, ҳатто ундан олдинги зилзилаларнинг тарихий жадваллари тузилган. Афсуски, бизда бу маълумотлар тўлиқ эмас. Кейинги 100-200 йиллик


маълумотлар бор, холос. Ундан илгарилари тўғрисида айрим тахминий маълумотлар сақланган. Балки эски қўлёзмаларда, китобларда бизга ниҳоятда зарур ахборот сақланган бўлиши мумкин. Бу соҳада тарихчиларимиз, маънашуносларимиз ёрдам қилини чўзсалар яхши бўларди.

Баъзи манбаларда тарихда айрим шаҳарларимизда кучли зилзилалар бўлиб ўтганини ўқиганимиз. Масалан, 838-839 йилларда Фарғонада, 942 йилда Бухорода, 1208-1209 йилларда Урганчада, 1490 йилда Самарқандда, 1494 ҳамда 1927 йилларда Наманганда, 1620 йилда Ахсиқенда, 1821-1822 йилларда Бухоро ва Самарқанд яқинида, 1902 йилда Андижонда, 1868, 1924, 1938, 1966, 2008 йилларда Тошкентда, 1976, 1984 йилларда

Афғонистонда эса 280-300 километр чуқурликда содир бўлиши мумкин. Энг чуқур зилзилалар ўчоги ер сатҳидан 700-750 километргача чуқурликда Тинч океани атрофида жойлашган.

Чуқурлигига қараб зилзилалар учга бўлинади. Ер сатҳидан 70 километр чуқурликка жойлашганлари ер қобиғи зилзилалари, 70 дан 300 километргача бўлганлари оралик ёки қобиқ ости зилзилалари ва 300 километрдан 700-750 километргача бўлганлари чуқур фокуси зилзилалар ҳисобланади. Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда рўй берадиган зилзилаларнинг барчаси биринчи гуруҳга кирди.

— Муайян нуқтада юз берган зилзила Ер шарининг бошқа минтақаларига ҳам таъсир этиши мумкинми?



“ Сейсмик тўлқинлар ҳар хил тезликка эга. Агар зилзила яқин — 100-150 километргача масофада бўлса, тўлқинлар бирин-кетин тез етиб келади, бир-бирига қўшилиди ва уларни одамлар деярли бир-биридан ажрата олмайди.

Газлида ва ҳоказо. Уларнинг энг даҳшатлиси 1902 йили Андижонда рўй берган 9-10 бали ва 1966 йили Тошкентда бўлиб ўтган 8 бали зилзила ҳисобланади.

Хуллас, мамлакатимиз табиий офатлардан холи ҳудудлардан эмас. Шундай экан, биз, олимлар зилзиладан беталфот ўтиш чора-тадбирларини кўришимиз, иложи борича унинг зарарли оқибатларини бартараф этиш учун қандай муаммолар мавжудлигини халқимизга тушултириб боришимиз лозим. Чунки Ер шарда йилга ўрта ҳисобда ўн мингга яқин кучли ва сезиларли зилзила содир бўлади. Улардан 15-20 таси фожiali оқибатларга олиб келади.

Зилзиланинг содир бўлиш вақтини олдиндан аниқ-тиниқ айтиш мушкул. Сейсмик кучланишнинг ҳам ўзига хос йиллари мавжуд. Масалан, ўтган асримизнинг сўнги вақтларида сейсмик жараёнлар 1905-1910, 1930-1950, 1955-1960 йилларда кўпроқ кузатилган. Мутахассислар фикрича, 1998-1999 йиллар ҳам ана шу жараёнга кирди ва ҳали давом этиши эҳтимолдан холи эмас.

— Баъзан оммавий ахборот воситаларида “зилзила ўчоғи” деган атамга дуч келамиз. Шу атамга ҳақида маълумот бериб ўтсангиз.

— Бу табиий офат ернинг муайян чуқурликдаги қатламларида содир бўлади ва атрофга тарқалади. Ер силкинган жойни зилзила ўчоғи дейимиз, ўчоқнинг маркази гипосентр деб аталади. Гипосентрнинг ер юзидagi проекцияси эпицентр дейилади. Эпицентр ва гипосентр оралигидagi масофа ёки ер сатҳидан гипосентргача бўлган оралик зилзиланинг чуқурлиги ҳисобланади.

Ўзбекистонда содир бўладиган зилзилалар асосан 10-20, жануброқда 30-40 километр,

— Албатта. Олимлар фикрича, Ер умумий сейсмик кучланишига эга. Демак, бир жойдаги қаттиқ ер силкиниши ўз ортидан бошқа кучланишларни олиб келиши мумкин. Бу табиий ўзгаришлар ҳар доим ҳам бир хил кечармайди. Мисол учун, Ер юзининг баъзи нуқталаридаги кучли зилзила бошқа жойни кўзгатиши эҳтимоли бор.

Бизнинг минтақамиз ҳам бундан холи ҳудуд эмас. Келинг, шу ўринда Ўзбекистоннинг шарқидagi сейсмик ҳолатини 100-120 йил давомидаги натижаларини кўриб чиқайлик. Фарбий Тяньшань минтақасидagi сейсмик жараён тахминан ҳар 35 йилда даврий тақорланиб туради, кучли зилзила 20-25 йил давом этган тинч ҳолатдан сўнг ер қимирлаши кучайиб боради. Навбатдаги жараён сўнги 100-120 йил давомида 3 марта кузатилган. Демак, бу тўртинчи жараён бошланаётганидан далолат бермоқда.

— Зилзила рўй бергандан кейин баъзан у яна тақорланиши ҳам мумкин. Халқимиз орасида “зилзила қайтди” ёки “кайтмади” деган иборалар учраб туради.

— Сейсмик тўлқинлар ҳар хил тезликка эга. Агар зилзила яқин — 100-150 километргача масофада бўлса, тўлқинлар бирин-кетин тез етиб келади, бир-бирига қўшилиди ва уларни одамлар деярли бир-биридан ажрата олмайди. Агар масофа бир неча юз километр ва ундан ортиқ бўлса, тўлқинлар олдинма-кейин, лекин алоҳида-алоҳида етиб келади.

Масалан, Афғонистонда 80-250 километр чуқурликда зилзилалар тез-тез содир бўлиб туради ва Ўзбекистоннинг барча вилоятларида сезилади. Тошкентга биринчи бўйлама тўлқин етиб келгандан кейин орадан 45-50 сония ўтгач,

олдингисидан кучлироқ иккинчи кўндаланг тўлқин ва яна бир оздан кейин учинчи юза тўлқин келади. Бу шу ерда турган одамда тўғиё бир неча зилзила бўлгандек тасаввур уйғотади.

— Яқин йилларда Ўзбекистон ҳудудида зилзилалар бўлиш эҳтимоли борми? Бор бўлса, ундан сақланиш учун қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

— Турли табиий офатлар ичида инсон кучи етмайдиганларидан бири зилзила ҳисобланади. Фан уни йўқ қилишга ёки тўхтатишга ҳозирча ожиз. Бироқ зилзилани тўхтатиш мумкин эмас дегани ундан сақланишнинг иложи йўқ деган маънони аналтмайди. Ундан қутулишнинг, яъни зарар кўрмаслик, инсон ҳаёти, қурилиш иншоотлари, барча бойликларимизни сақлаб қолиш имкониятлари бор. Бунинг учун республикамизнинг қайси ерларида қандай куч билан зилзила содир бўлишини кўрсатадиган хариталар тузишимиз ва барча қурилиш ишларини шу харитани ҳисобга олган ҳолда бажаришимиз керак. Сейсмология институтининг энг муҳим вазифаларидан бири ана шундай сейсмик ҳудудлаштириш хариталарини тузишдан иборат.

Ҳозирча Ўзбекистон ҳудудида тинч, кучли зилзилалар чегарадош юртларда кузатишмоқда. Ўзбекистон ҳудудидаги тинч ҳолат эса ортиқча энергия тўпланиб қолганидан далолат беради. Ўлкамыздан анча узоқ бўлган Олой тоғлари ён-атрофлари хавфлироқ ҳудудлардан ҳисобланиб, кучли зилзила 1895-1907 йилларда кузатилган. Иккинчи ҳудуд Туркистон тоғлари ён бағрида жойлашган. Учунчи ҳудуд Қоратоғ ён-атрофи бўлиб, бу ерда кучли зилзила 1907 йили содир бўлган. Ниҳоят, тўртинчиси Ўзбекистон ҳудудининг шимолий қисми бўлиб, бу ерда 1902-1906 йилларда 5-6 магнитудали зилзилалар рўй берган.

Ер силкиниши ва унинг дарақчиларини кузатиш учун Ўзбекистоннинг барча вилоятларида жойлашган махсус станциялар мавжуд, улар тўхтовсиз назорат остида. Зилзиладан сақланишнинг иккинчи йўли — уни олдиндан айтиб бериш масаласи. Сейсмология фани зилзилани олдиндан айтиш имкони бор, унинг кўпгина дарақчилари мавжуд, дарақчилар эса аниқ физик катталикларга эга деб ҳисоблайди. Дарақчиларни кузатиш натижасида зилзила намоеи бўлиш қонуниятлари топилиши ва уни олдиндан айтиш усуллари ишлаб чиқилган.

ЎзФА Сейсмология институтининг собиқ комплекс экспедицияси ҳозир Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Сейсмопрогностик мониторинг республика маркази номи билан фаолият кўрсатаяпти. Улар юртимизнинг барча вилоятларида зилзила дарақчиларини кузатиб боради. Ўтган давр ичида бир қанча зилзилаларнинг жойи, кучи ва вақти айтиб берилди.

Кейинги 7-8 йилда соҳага жуда катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўндан ортиқ фармон ва қарори қабул қилинди. Сейсмик ва бошқа комплекс кузатув тизими янги замонавий асбоб-ускуналарга алмаштирилди. Кузатув пунктларининг сони бир неча баравар ошди. Институт илгари фақат сейсмик районлаштириш ва зилзилаларни олдиндан

айтиш муаммолари билан шуғулланган бўлса, ҳозирги кунда янги йўналишлар — сейсмик хатари билан вазирликнинг эрта оғоҳлантириш, аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа йўналишларда илмий-ташқилий ишлар қиялпти. Илгари фақат собиқ иттифоқнинг марказий шаҳарлари билан илмий ҳамкорлик қилган бўлсак, айни пайтда ўндан ортиқ чет эл етакчи ташкилотлари билан алоқалар йўлга қўйилган.

— Офат сўраб келмайди, дейдилар. У қутилмаганда рўй беради. Шундай ҳолат юз берган тақдирда ундан қандай сақланиш мумкин?

— Саволингиз ўринли. Энг муҳими, офат чоғида саросимага тушмаслик. Ер силкинган вақтда ва ундан кейин ҳам кўрқинч-ни енгиб, ўзини бошқара олиш, тебраниш тўхтагунча уни кутиш керак. Кўп қаватли уйларда яшайдиганларга хонанинг асосий девори бурчаклари ёки эшик кесаксига ўтиб олиш тавсия этилади. Хар бир хонадон соҳиб бундай жойларни олдиндан аниқлаб, уйдагиларига, айниқса, болаларига тушултириб қўйса, фойдалаштириш хариталарини тузишдан иборат.

Лифт ёки эшапон майдонларига югуриб чиқмаслик керак. Чунки кўп ҳолларда ушбу қурилмалар биринчи навбатда қулаши кузатишган. Жавон ёки одамлар устига тушиб кетиши мумкин бўлган оғир жиҳозларни дам олиш, етиш жойидан узоқроққа жойлаштиргандан маъқул.

Яна шунинг ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, фавқулодда вазиятлар чоғида тўғри ҳаракат қилиш кўнчимасини болаларимизда мактаб давридаёқ шакллантириб бориш билан бирга уларни табиий офатлардан сақланиш борасидаги билимлар билан кураолантириш ҳам яхши самара беради.

— ЎзФА таркибда Сейсмология институти ташкил этилганига яқинда 60 йил тўлар экан...

— 1966 йил 26 апрелда пойтахтимизда рўй берган зилзила, унча кучли бўлмаса ҳам, аҳолини жуда кўп ташвишга солди. Сабаби, ўша пайтда сейсмология соҳасида олиб борилаётган ишлар етарли эмасди. Асосийси, кенг омма бўлаётган табиий ҳодисаларга тушунмас, кўплаб ваҳималар келиб чиқар, уларга қонқарли жавоб олиш ҳам қийин эди. Бу, шубҳасиз, юртимизда Сейсмология институтини ташкил этиш зарурлигини кўрсатди. 1966 йили Ўзбекистон Фанлар академияси таркибиди Сейсмология институти ташкил этилди.

Институт 60 йил давомида улкан йўлни босиб ўтди, қисқа вақт ичида кичкина илмий-тектириш институтидан йирик илмий марказга айланди. Республикада бир неча илмий мактаблар ташкил этилиб, кўплаб кадрлар тайёрланди, илмий кадриётлар қилинди. Сейсмология институти мустақил йиллари оламшумул ютуқларга эришди. Республикада табиий офатлар зарарини, айниқса, ер силкинишларининг кўнгилсиз оқибатларини камайтириш, аҳолини тўғри ҳаракатланишига ўргатиш, комплекс сейсмик кузатишларни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида муайян ишлар қилинди.

Азамат СУҲОНОВ суҳбатлашди.



Отабек МУХСИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Бугунги кунда давлат қудрати инсон капитали, билим ва инновациялар орқали ўлчанади. Шу нуқтага назардан, юртимизда юритилаётган ёшлар сиёсати “smart power” (ақлли куч)нинг ёрқин ифодасидир. Яъни давлат ўз таъсирини

“Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегияси ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чикувчи муҳим дастур ҳисобланади. Унда белгилаб олинган вазифалар мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиётига, йигит-қизлар келажагига пухта замин яратди.



## Камолот пиллаёси

кучайтириш учун ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, билим даражаси ва глобал рақобатбардошлигини оширишга таянаётганини кузатилади.

Ўзбекистон ҳозир “демографик дивиденд” босқичида турибди. Бу меҳнатга лаёқатли аҳоли улуши юқори бўлган давр иқтисодий ўсиш учун улкан имконият яратди, дегани. Бироқ ушбу имкониятдан тўғри фойдаланилмаса, у иқтимоий муаммоларга, ишсизликка ва иқтисодий босимга айланиши мумкин. Шу боис, стратегияда ёшлар бандлиги, тадбиркорлиги ва касбий кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида урғу берилган. Бу эса демографик ресурсни реал иқтисодий капиталга айлантиришнинг аниқ механизми ҳисобланади.

Ёшларга қаратилган кенг қўламли эътиборни фақат иқтимоий ҳимоя сиёсатида баҳолаш етарли эмас. Бу, аввало,

инклизив иқтисодий ўсиш моделининг амалий кўринишидир. Хусусан, чекка ҳудудларда ўқув марказлари ташкил этиш учун 300 миллион сўмгача ссудалар ажратиб, солиқ имтиёзлари жорий этиш, ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, илоҳа дастурлари орқали ёш оилаларга ёрдам бериш — буларнинг барчаси иқтисодий имкониятни аҳолининг кенг қатламга етказишга хизмат қилади. Ўз навбатида, иқтимоий тенгликни таъминлаш, ҳудудлар ўртасидаги фарқни қисқартириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишда қўл келади.

Ҳозир мамлакатимиз иқтисодиёти истеъмолчи моделдан ишлаб чиқарувчи моделга ўтмоқда. Мазкур жараёнда асосий драйвер сифатида айнан ёшлар майдонга чиқаяпти. “Янги авлод тадбиркорлари” дастури доирасида етакчи

# ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ ЯНАДА ОРТАДИ



хорижий университетлар билан ҳамкорликда ёшларни ўқитиш, стартапларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш уларни иш изловчи эмас, балки иш ўрни яратувчи субъектга

айлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли. Энг муҳими, ёшлар сиёсати ташқи самара учун қилинган вақтинчалик чоралар эмас. Аксинча, аниқ мақсадли кўрсаткичларга эга, тизимли механизмлар билан

таъминланган ва узоқ муддатли натижаларга йўналтирилган стратегик ислоҳотлар мажмуасидир.

Стратегия доирасида халқаро ҳамкорликка ҳам катта аҳамият берилаётгани эътиборга молик. Чунки ёшларни глобал таълим ва меҳнат бозорига интеграциялаш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалиёт дастурлари ташкил этиш, хорижий тажрибани жалб қилиш Ўзбекистоннинг глобал рақобатбардошлигини оширишга йўл очади.

Ёшлар сиёсати давлатнинг стратегик ривожланишида ҳал қилувчи ўрин тутаяди. У иқтимоий барқарорликни таъминлаб, иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Мамлакатнинг глобал рақобатбардошлигини оширишга ҳам тўртки беради.

Стратегиянинг изчил ва самарали амалга оширилиши эса Ўзбекистоннинг демографик устуникка эга бўлган давлатдан инсон капиталига асосланган, глобал рақобатбардош ва инновацион иқтисодиётга эга мамлакатга айланишига замин ҳозирлайди.

Ботир Зокиров таваллудининг 90 йиллигига



қаттиқ ҳаяжонга солади, юрагига чуқур кириб боради.

Теран диди ва юксак тафаккури туфайли у ажойиб ҳикоялар ёзди. Ёзганлари машҳур адиблар Асқад Мухтор ва Шухратнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Санъаткор ўзига хос, бетакрор расом ҳам эди. Картиналарини таниқли расомлар юксак эътироф этган ҳамда Раҳим Аҳмедов, Рўзи Чориев, Неймат Қўзибоев сингари рангтавсир усталари томонидан самимий кутиб олинган. Бундан ташқари, Ботир Зокиров “Сўғд элининг қолони” либреттосини ҳам ёзган.

У Москвада биринчи бор операция қилинган вақтда радио орқали Антуан де Сент-Экзюперининг “Кичкина шаҳзода” асари инсценировкасини машҳур артист Мария Бабанова ижросида эшитиб, қаттиқ ҳаяжонланган. Шундан сўнг қиссани

УМР ДАФТАРИНИНГ НУРЛИ САҲИФАЛАРИ

Гапни бундан ўн кун олдин, яъни 15 апрелда мамлакатимизда кенг нишонланган тарихий воқеа — Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировнинг 80 йиллигига бағишланган тантанадан бошламоқчимиз.

Санъаткорни қутлаш ва “Буюк хизматлари учун” орденини топириши маросимида Президентимиз Зокировлар сулоласи деганда узоқ йиллардан буён миллий муслика ва кўшиқчилик санъатини халқимизга тақдим этиб келаётган бутун сулола кўз олдимизга келиши, миллий эстрада санъати асосчиси Ботир Зокиров ижро этган ўлмас кўшиқлар халқимизнинг улкан маънавий бойлиги эканини таъкидлади. Мана шундай оила, бутун бир авлоднинг ўз умрини санъат ва маданият равнақига бағишлаши дунёда кам учрайдиган ноёб ҳодиса эканига ургун берди.

Мазкур сулоланинг улғу вакилларидан бири, шубҳасиз, Ботир Зокировдир. Ҳаёт бўлганида 26 апрель кунини 90 ёшга тўлган бўлар эди.

Санъат оламида эстрада юлдузи бўлиб порлаган хонанда ўзбек кўшиқларини қатор мамлакатлар саҳнасида мардонавор куйлади. Дунёда ўзбек деган буюк халқ борлигини фидойилик билан тарғиб қилди ва танитди.

Ботир Зокировнинг умр дафтарини варақлар эканмиз, ҳаёт ва ижод йўлларида учраган қувончли ҳодисалар, ибратли воқеаларга дуч келамиз. У ҳаётнинг оқ ва қора ранглардан иборат эканини жуда эрта англади. Ўзи танлаган йўналиш — миллий эстрада санъати йўли осон кечмаслигини билиб, айниқса, санъат ва маданият соҳасидаги гўварини юксак истеъдоди ва иродаси билан енгиб ўтди.

Сиз бутун вужуди, қалби билан кўшиқ куйлаётган Ботир Зокировнинг ёниқ, дардли ва доно кўзларини кўрганмисиз? Ҳа,

халқ донишмандлиги уфуриб турган ёрқин мисраларини қайта-қайта ўқиб, адабийётдан руҳий қувват олар эди.

Ботир Зокиров Москвадаги Кремль шифонасида ётган кезлари жаҳон ва рус мумтоз адабиёти намояндаларининг машҳур асарларини ўқигани ҳақида кундаликларида ёзиб қолдирган:

“Шарқ тарихини ўқияман. Жуда кўп нарсани билмаслигим аён бўлди. Ўз тарихимни ғурур ва фахр билан ўқиб ўрган бошладим. Қанчадан қанча очилмаган тенгсиз хазиналар бор. Ўз миллий маданиятимизни ҳали жуда юксакларга кўтаришимиз керак. Албатта, кўтариш керак! Қандай қилиб? Ҳамма гап шунда...”

“Бир нарсани англадим. Шу пайтгача олган билимларим ҳеч нарсага арзимас

ўзбек тилига таржима қилиб, радиоспектакль тайёрлаган. Кейинчалик эса Евгений Шварцнинг “Соя” асарини ҳам таржима қилган.

У ҳеч қачон ижоддан тўхтамаган. Ҳатто “Ялла” вокал-чолғу ансамбли репертуари учун шеърлар ҳам ёзган. У биринчи шеъри — “Лайли” билан фахрланар эди. Кейинчалик бу шеър “Ялла”нинг репертуаридаги ажойиб ва бетакрор кўшиққа айланди. Бу кўшиқни ҳозир ҳам Фаррух Зокиров юксак маҳорат билан куйлаб келмоқда.

Ботир Зокиров нафақат миллий кўшиқчилик санъати, балки миллатимиз қадриятлари, зиёлиларнинг саводхонлиги, маданияти ва маърифати учун ҳам қайғуриб яшади.

Унинг кундалигида бундай куйинчак фикрларни ўқиймиз: “Ўзимиз ўзлимиз илдинини қирқсак, маданият ва санъатимизни оёқости қилсак, ғуруримизни бемаъниларча топтасак, истеъдод бошида тўрларча қилич яланғочлаб турсак, қачон дунёдаги



катта миллатлар сафига қўшилишимиз? Қачон юксаламиз, қад рўстлаймиз?.. Шоир дўстим Абдулла Орипов ниҳоятда топиб ёганидек: “Қачон халқ бўласан, эй сен оломон?...”

Баъзан ўйлаб қоламан: бутун кўшиқчилик санъатида учраётган саёлик, енгил-елпилик, айниқса, эстрададаги куруқ бақир-чақирларни кўриб, эшитиб, бизга Ботир Зокировдек чинакам синчи санъаткор етишмаётгани аққол намоеён бўлади. Айрим таниқли санъаткорлар билан эса суҳбатлашиш қийин. Уларнинг саводсизлиги, фикрининг ғариблиги — умуман китоб ўқимаслик, фикрсизлик ва онгни ҳаёт дурдоналари билан бойитиб бормаслик оқибати деб ўйлайман. Ахир Ботир Зокиров, Шерали Жўраев, Фахриддин Умаров каби ижодкорлар билан суҳбатлашсангиз, роҳатланардингиз ва яна суҳбатлашгингиз келарди. Улар кўшиқларининг мазмун-моҳиятини теран тушуниб ижро этарди. Ўзлари ҳам жуда билимдон ва чин зиёли инсонлар эди.

Ботир Зокировнинг умр дафтаридида бундай нури саҳифалар жуда сероб. Бу улғу санъаткорнинг ибратли ижоди, инсоний фазилятлари ва доно фикрлари бутун ҳам ўз аҳамияти ҳамда кадр-қимматини йўқотган эмас. У кундаликларида бирида бундай ёган эди: “Агар қайтадан туғилиш имкони берилганда мен барибир яна кўшиқ йўлини танлаган бўлардим”.

Ашуралӣ Жўраев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



МЕДИА ТАФАККУРНИ ЯНГИЛАЁТГАН ЛОЙИҲА БЕШ КУНЛИК ИНТЕНСИВ МАРАФОН ҚАШҚАДАРЁ МАТБУОТИДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИНИ ТЕЗЛАШТИРДИ

Қоракалпоғистондан старт олган медиа ҳафталик Хоразм ва Сурхондарёдан сўнг Қашқадарёда давом этди. Мазкур ҳафталик Ўзбекистон Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент ташаббуси билан Ёшлар ишлари агентлиги ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Қарши давлат университети Ёшлар марказида ташкил этилган ҳафталикда вилоятдаги босма оммавий ахборот воситалари ходимлари, тележурналистлар, операторлар, блогерлар ва ахборот хизмати вакиллари иштирок этди. Шунингдек, соҳага қизиқувчи ёшлар ҳам семинарларда тингловчи сифатида қатнашди.

Ҳафталик доирасида малакали экспертлар томонидан замонавий медиа оламининг долзарб йўналишлари, амалий билимлар ва тажриба алмашувига бой машғулотлар ўтказилди. Дастлабки кунги машғулотларни бошлаб берган тажрибали эксперт Элдар Асановнинг “Ўзбекистон босма медиасидаги контент: амалиёт, муаммо ва ечим” мавзусидаги тренинги қизгин муҳокама ва баҳсларга бой ўтди.

Унда босма ва интернет журналистикасининг афзалликлари, камчиликлари, мавзу ва жанрлар хилма-хиллиги, медиа бозорида тугган ўрни каби жиҳатлар ҳақида фикр алмашилди.

— Газетада ишлаётганимга 30 йилга яқинлашди. Ўтган даврда соҳада талаблар ўзгариб бораётганига гувоҳ бўлялмиш, — дейди “Чироқчи” газетаси муҳаррири Ҳазрат Эгамбердиев. — Медиа ҳафталик доирасида қатор маълумотларга эга бўлдим. Жумладан, кейинги пайтда кўпчиликда интернет ривожланиб бориши натижасида босма нашрларга эътибор сусайди деган фикр пайдо бўлди. Тренингда интернет журналистлари билан газеталарда меҳнат қилаётганлар бир жойда жам бўлди. Машғулотлар давомида интернет ва босма нашрлардаги мақолаларнинг фарқи хусусида фикр-мулоҳазалар алмашди. Босма нашрларни янада ривожлантириш, оммалаштириш бўйича муҳим жиҳатлардан хабардор бўлдим.

Ўзига хос малака ошириш мактабини ўтаб берган ҳафталикда иштирокчилар кўйлаб маълумотларга эга бўлди. Айниқса, яхши сайт, мобил версия, SMM, видео, подкаст, newsletter каби қўшимча форматлар ташкил этиш бораидаги тренинглар кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

— Медиа ҳафталик мен учун таассуротларга бой ўтди, — дейди журналист Баҳодир Ҳалимов. — Экспертлар босма ва онлайн оммавий ахборот воситаларининг фарқи, умумий бир-бирдан ўрганиши керак бўлган жиҳатлари ҳақида тўхтади. Фикр-мулоҳазаларда кимдир онлайн журналистикани устувор деб билса, бошқа ҳамкасбларимиз орасида босма ОАВнинг афзал жиҳатлари қилини айтишларим бўлди. Хулоса шуки, ОАВ замонага мослашиши, трансформация жараёнларига ўтиши, конвергенциялашиши

лозимлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада бизнинг тахририятда аллақачон ишлар бошланган. Онлайн ОАВ билан босма нашр ўзаро уйғун тарзда фаолият юрйтипти. Бундан кўринадики, нашрларни босма ёки онлайнга ажратишнинг ўзи хато дир.



Беш кун давом этган ҳафталикда қуруқ маърузалар ўрнини “жонли” жараёнлар эгаллади. Жумладан, “Репортаж формуласи”: сиёсий мавзуларни оддий ва қизиқарли тилда етказишнинг янги усуллари, “Рақамли гигиена”: киберхужумлар ва рақамли хавфсизлик шартотида журналистнинг шахсий ҳимояси ва “Инсон тақдирини: ислохотлар натижасини рақамлар эмас, аниқ инсонлар ҳаёти орқали кўрсатиш санъати” каби мавзулардаги чиқишлар қизгин кутиб олинди. Иштирокчилар ўз малакаларини ошириш билан бирга амалий кўникмалар ҳосил қилди.

— Ахборот майдонидаги тезкорлик, ижтимоий тармоқлар таъсирининг ортиши ҳамда сунъий интеллектнинг жадал ривожланиши бутунги медиа соҳаси вакилларидан мутлақо янгича фикрлаш ва ишлаш услубини талаб этмоқда, — дейди “Севимли” телеканали муҳбири Шавкат Аминов. — Айниқса, тасдиқланмаган хабарлар оқими кучайиши, таҳлилий манбалар салмоғи пасайиб бораётгани соҳа вакиллари зиммасига катта масъулият юклямоқда. Мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган медиа ҳафталиклар ушбу жараёнда йирик таълимий ва амалий қадамлардан бирига айланди. Ҳафталик медиафиркаларини қайта шакллантирувчи, касбий дунёқарашини кенгайтирувчи ҳақиқий тажриба мактаби вази фасини ўтаб берди.

Беш кун ичида воҳанинг ахборот маконига янги гўялар билан кириб кела оладиган жамоа шаклланди. Жумладан, ахборот хизматларининг 61 ходими инқирозли вазиятларда ишлаш ва имиж стратегиясини қайта кўриб чиққан бўлса, 39 нафар тележурналист ва техник ходим замонавий репортаж ритми ҳамда кадрлар динамикасини ўзгартириш устида ишлади. Бундан ташқари, босма ва интернет ОАВ вакиллари контентнинг SWOT таҳлили орқали ўқувчини қайтариш йўлларини излаган бўлса, блогер, мобилграф ва SMM мутахассислари янги медиа трендлари, алгоритмлар сирини ўзлаштирди.

Шунингдек, иштирокчилар СИ ёрдамида видео яратиш, матнларни генерация қилиш ва энг муҳими, фејк хабарларни сониялар ичида аниқлаш бўйича “нейроқўникмаларни” амалиётда синаб кўрди. Бу Қашқадарё медиаси вакиллари учун глобал ахборот маконига рақобатбардошликни таъминлайдиган муҳим билимлардир.

Ҳафталикни якуновчи анъанавий медиа форумда 500 га яқин иштирокчи жамланди. Улар мазкур лойиҳа Қашқадарё вилояти медиа ижодкорлари учун мутлақо янги имкониятлар эшигини очганини эътироф этди.

Тадбир якунида Контент маркази лойиҳачилари, Журналистлар уюшмаси дастурлари, ҳудудий ҳокимлик матбуот хизмати тақдироти ўтказилди. Шунингдек, иштирокчиларга сертификатлар топширилди. Келгуси ҳафта ушбу лойиҳа Самарқанд вилоятида давом этади.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

